

7. Жалилов Б.С. Экономический потенциал и их значение в статистическом анализе производства предприятия. "Экономика и социум" №5(60). 2019. 578-583 с.

О.Г. Мадияров, Ш.М. Мамаджонов, научный руководитель *Г.А. Мадияров*
Наманганский инженерно-технологический
Саратовский технический университет
Наманган, Узбекистан, Саратов, Россия

РОЛЬ КЛАСТЕРОВ В СТРУКТУРНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье освещены важные вопросы формирования текстильных агрокластеров в Узбекистане и вопрос повышения экспортного потенциала регионов.

Ключевые слова: Фермы, кластеры, агрокластеры, принципы применения современных методов кластеризации, переработки, хранения, экспорта готовой текстильной продукции, возможности регионов.

О.Ф. Мадияров, Ш.М. Мамажанов, supervisor *Г.А. Мадияров*
Наманган муҳандислик-технология институти
Саратов техника университети

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШДОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШДА КЛАСТЕРЛАРНИ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда тўқимачилик агрокластерларни шакллантиришнинг муҳим масалалари ёритилиб, ҳудудларда экспорт салоҳиятини ошириш масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: фермер хўжаликлари, кластер, агрокластерлар, кластер замонавий услубини қўллаш тамойиллари, қайта ишлаш, сақлаш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, ҳудудлар имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи устувор йўналишидаги учинчи бандида: «фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар

кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш” вазифаси қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонида “фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётганлиги” каби камчиликларнинг мавжудлигига эътибор қаратиб, устувор йўналиши этиб белгиланди.

2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида жами 2258 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадларга жами 163,7 млрд сўм маблағлар сарфланиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирда аграр соҳада энг долзарб муаммолардан бири етиштирилган пахта хомашёсини сотиш ва қайта ишлаш тизимида бозор механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25- январдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг замонавий турларини жорий этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида пахтани «кластер» лойиҳаси доирасида янги усулда етиштиришнинг йўлга қўйилиши ушбу муаммони ечимини топишда ёрдам беради.

Агрокластерларнинг ташкил этилиши кўплаб ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий масалаларни қайта кўриб чиқишни, такомиллаштиришни, яъни илмий асослашни талаб қилади.

Кластер – бир ҳудудда жойлашган, бир умумий мақсад йўлида, бирор бир маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр истеъмол товарлари ишлаб чиқариш юзасидан ўзаро устун даражада технологик боғланишга эга, олдиндан белгилаб олинган аниқ вазифани ечишга қаратилган субъектлар мажмуасидир.

Агрокластерларни ташкил этиш қуйидаги ижобий тенденцияларни юзага чиқаради:

- кластерга кирган субъектларнинг ўзаро алоқалари кучаяди ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ёрдамлашиш имкониятлари ошади;

- пахта хомашёсини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва толадан тайёр ва сифатли товарлар ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг барчасида самарадорлик ошади;

- кластер иштирокчиларининг моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади;

- қўшимча иш ўринлари яратилади ва қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти минималлашади ҳамда кадрлар малакаси юксалади;

- фермер хўжаликларининг даромадлари кўпаяди;

- ахборот, маълумотлар айланиши тезлашади, бошқарув ва хўжалик қарорлари тез ва сифатли қабул қилинади;

- инновацион фаолият жадаллашади, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имконияти кенгайди;

- ишлаб чиқаришнинг илм-фан муассасалари билан ўзаро алоқаси кескин ошади.

Ушбу вазифаларни бажаришда ҳуқуқий ва ташкилий омилларнинг аҳамияти катталигини инобатга олиб, қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрда “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони, 2017 йилнинг 25 январида “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-53-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 март “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 253-сонли қарори қабул қилинди.

Юқоридаги қарор ва фармонлардан келиб чиқиб 2020 йили октябр ойида Наманган вилоятида пахтачилик йўналишидаги янги «Namangan paxta teks» кластер корхонаситашкил этилди.

«Namangan paxta teks» кластер корхонасини лойиҳа қиймати 92 миллиард сўм бўлиб, мазкур корхонага Хитойнинг «WILTOP export & import» компаниясида ишлаб чиқарилган қиймати 6,78 миллион долларга тенг замонавий йигирув, тўқув, тикув ва бўяш технологик линиялари сотиб олинди.

Корхонада реконструкция ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун жами 5,0 миллиард сўм маблағ «Namangan paxta teks» МЧЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан сарфланди.

Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 4000 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 3 400 тонна калава-ип ишлаб чиқариш имкониятига эга. Келажакда бу ерда 500 тонна момиқ сочиқ ва 3 300 минг п/м мато ишлаб чиқарилади ҳамда буюртмага асосан 1300 тонна калава-ип маҳсулотлари истеъмолчиларга хом ёки бўялган ҳолда етказиб берилади.

Корхона тўлиқ ишга тушиши билан 1000 та янги иш ўрни яратилади. «Namangan рахта текс» МЧЖда ишлаб чиқарилган тайёр матоларнинг 20 фоизини республикада янги ташкил этилган тикув-трикотаж мажмуаларига етказиб бериш, қолган 80 фоиз тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш кўзда тутилган.

Косонсой туманидаги пахта хом-ашёси етиштиришга режалаштирилган 3955 гектар ер майдони кластер ташкилотчиси «Namangan рахта текс» МЧЖга ажратиб берилиб, пахта хом-ашёсидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга муҳим омил яратилди ва 2021 йил хосили учун тумандаги 173 та фермер хўжалиги билан 11 300 тонна пахта хом-ашё етиштириб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Шунингдек, лизинг асосида 12 дона ТТЗ-10 НС чопиқ трактори, 10 та КХУ-4В культиватори, 4 та ОВХ-600 пуркагичи, 4 та штангел «ALFA-60» баргдан озиклантириш мосламаси, 4 та СЧХ-4В чигит экиш сеялкаси сотиб олинди, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

2021 йилнинг II-чорагида пахта чигити ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб ушбу лойиҳанинг қиймати 7,5 миллиард сўми ташкил этиб корхонаси ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилган ва бунинг натижасида қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилади.

Бизнинг фикримизча Кластер услубини қўллаш, айниқса бир-бири билан боғлиқ булган корхоналар мавжуд ҳудудлар учун катта ахамиятга эга. Кластерлар ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди. Ушбу ёндашув иқтисодий жиҳатдан устувор тармоқлар ва лойиҳаларни аниқлаш имконини беради.

Ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг асосий афзалликларидан бири – иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш ва маъмурий омилларнинг ролини камайтиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ

хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199 қарори. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/3371644>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/3459667>

3. Солиев А. Маркетинг. Тошкент. “Иқтисод-молия”. 2010 йил 7 б.

4. Рахматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация, ва иқтисодий ўсиш. Рисола.Т.: “ZaminNashr”, 2018.

Н.Ф. Махмудова, илмий раҳбар О.С.Казаков
Наманган муҳандислик-технология институти,
Наманган, Ўзбекистон
olimkzkv@gmail.com

МАҲАЛЛИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Аннотация.** Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутади. Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида самарани таъминлайди. Улар асосида рақобатбардошли маҳсулотлар тайёрлаш имконияти яратилади. Мақолада маҳаллий ресурслардан фойдаланиб кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти самарасини ошириш йўналишлари аниқланган.*

***Калит сўзлар.** Кичик бизнес, тадбиркорлик, маҳаллий ресурслар, рақобатбардошлилик, самарадорлик.*

Н.Ф.Махмудова, научный руководитель О.С.Казаков
Наманганский инженерно-технологический институт,
Наманган, Узбекистан
olimkzkv@gmail.com

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОТЕНЦИАЛА МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИ- МАТЕЛЬСТВА НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕСТНЫХ РЕСУРСОВ

***Аннотация.** В экономическом потенциале государство важное значение имеет малый бизнес и предпринимательство. Использование местных ресурсов в деятельности малого бизнеса и предпринимательство обеспечивает эффективность. В результате обеспечивается возможность производства*